

2021 y. «12» aprel№ 46/1.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар, факторинг ва лизинг амалиётлари бўйича фоиз ставкалари”ни янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида

Банк тизимида юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар, факторинг ва лизинг операциялари бўйича фоиз ставкаларининг амалдаги миқдорлари Банк бошқарувининг 2021 йил 6 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

Бугунги кунда, молия бозори конъюнктурасида ресурс маблағларини жалб қилиш бўйича фоиз ставкаларининг ошиши кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ажратиладиган кредитлар, лизинг ва факторинг амалиётлари бўйича фоиз ставкалари миқдорларини оптималлаштиришни тақозо этади.

Газначилик департаменти томонидан Банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларининг таклифларини ўрганган ҳолда, Банк тизимида юридик шахс ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар, факторинг ва лизинг операциялари бўйича фоиз ставкаларининг янги тахрири ишлаб чиқилди.

Банк бошқаруви тўғрисидаги Низомга мувофиқ кредитлар, факторинг ва лизинг амалиётлари бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш Банк бошқарувининг ваколатига киради.

Юқоридагиларни, шунингдек, Банкни 2021 йилга мўлжалланган бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш ҳамда кредитлар, факторинг ва лизинг амалиётлари бўйича фоиз ставкалари миқдорларини оптималлаштириш мақсадида, Банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар, факторинг ва лизинг амалиётлари бўйича фоиз ставкалари”нинг янги тахрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. PR ва маркетинг департаменти (С. Ниязов) “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар, факторинг ва лизинг амалиётлари бўйича фоиз ставкалари”нинг янги тахририни Банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

3. Ғазначилик департаменти (Х. Акбаров) фоиз ставкаларининг янги таҳририни барча таркибий бўлинмалар ва филиалларга етказилишини таъминласин.

4. Мазкур фоиз ставкалари тасдиқланган кундан бошлаб, Корпоратив ҳамда Кичик ва ўрта бизнес йўналиши бўйича ишлаб чиқилган “Тартибларда” белгиланган фоиз ставкалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда кредитлар ушбу янги таҳрирдаги фоиз ставкаларига асосан ажратилсин.

5. Барча филиаллар раҳбарлари ушбу фоиз ставкаларнинг мазмун-моҳиятини филиалнинг барча ходимларига етказсин ҳамда ундаги талабларни тўлиқ бажарилишини ва банкнинг ахборот стендларида жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур янги таҳрирдаги фоиз ставкалари тасдиқланиши муносабати билан Банк бошқарувининг 2021 йил 6 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар, факторинг ва лизинг амалиётлари бўйича фоиз ставкалари” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Бошқарув қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги фоиз ставкалари ваколатли орган томонидан кредитлар ажратиш бўйича аввал қабул қилинган лойиҳаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари А. Акбаржонов зиммасига юклатилсин.

Методология бошқармасида

2021 йил "12" апрел
461 -сон билан

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Бошқарувининг

2021 йил "12" апрел

сонли қарорига

Илова

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида юридик шахс ва шакка тартибдаги
тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар, факторинг ва лизинг
амалиётлари бўйича фоиз ставкалари
(Янги таҳрирда)

№	Кредитлар ва бошқа актив амалиётлар турлари	Фоиз ставкалари (йиллик фоиз миқдори)	Изоҳ
I. Миллий валютада			
1.1	Корпоратив мижозлар учун кредитлар	Кредит ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш санасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси + 7,0 фоиздан кам бўлмаган миқдорда	Фоиз ставкаси ўзгармас деб белгиланади. Бош келишувга мувофиқ ажратиладиган кредитлар бўйича Банк ва мижоз ўртасида индивидуал кредит шартномасини имзолаш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси + 7,0 фоиздан кам бўлмаслиги лозим
1.2	Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун кредитлар	Кредит ажратиш ҳақида қарор қабул қилиш санасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси + 10,0 фоиздан кам бўлмаган миқдорда	Фоиз ставкаси ўзгармас деб белгиланади. Бош келишувга мувофиқ ажратиладиган кредитлар бўйича Банк ва мижоз ўртасида индивидуал кредит шартномасини имзолаш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси + 10,0 фоиздан кам бўлмаслиги лозим
1.3	Лизинг амалиёти бўйича	Лизинг амалиёти бўйича қарор қабул қилиш санасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси +10,0 фоиздан кам бўлмаган миқдорда	

1.4	Факторинг амалиётлари учун	Факторинг 90 кунга расмийлаштирилганда дисконт суммаси умумий факторинг суммасидан 6,0 фоиз миқдорда	Факторинг муддатидан келиб чиқиб, дисконт суммаси пропорционал миқдорда белгиланади
II. Хорижий валютада (АҚШ доллари, евро)			
2.1	Кредит линиялар ҳисобидан: Узоқ муддатга: Қисқа муддатга:	Жалб қилинган кредит линияси фоиз ставкаси + 4,0 фоиздан кам бўлмаган миқдорда Банк маржаси Жалб қилинган кредит линияси фоиз ставкаси + 3,0 фоиздан кам бўлмаган миқдорда Банк маржаси	Кредит линиясини жалб қилиш тўғрисидаги шартнома (Битим, Келишув)да Банк маржаси қатъий белгиланган ҳоллар бундан мустасно
2.2	Банкнинг ўз маблағлари ва бошқа манбаалар ҳисобидан ажратиладиган кредитлар	10,0 фоиздан кам бўлмаган миқдорда	

ИЗОҲ: Банк ва мижоз ўртасида кредит шартномасини имзолашда фоиз ставкаси сонлар билан белгиланиши шарт.